

2-1-2019

INNOVATION: THE IMPORTANCE AND FINANCING BASICS

D. Rakhmonov

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Rakhmonov, D. (2019) "INNOVATION: THE IMPORTANCE AND FINANCING BASICS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 5.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss1/5>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ИННОВАЦИЯ: МОҲИЯТИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Д.А.Рахмонов

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, Тошкент, Ўзбекистон

Мақолада инновацияга бўлган илмий ёндашувлар ўрганиб чиқилган. Инновация ва уни молиялаштириш юзасидан мустақил муаллифлик позицияси баён этилган. Халқаро инновация индекси бўйича таҳлиллар амалга оширилган ва илмий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: инновация, янгилик, халқаро инновация индекси, молиялаштириш.

В статье рассматриваются научные подходы к инновациям. Независимая авторская позиция по инновациям и финансированию. Разработаны международные инновационные индексы и научные выводы.

Ключевые слова: инновации, новости, глобальный индекс инноваций, финансирование.

Кириш

Ўтган 2019 йил мамлакатимизда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш” деб эълон қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатнинг ривожланишини янада барқарорлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат. Иқтисодиётни инновацион фаолиятни амалга ошириш орқали ривожлантиришнинг зарурияти нафақат мазкур йил дастури доирасида, балки жаҳон мамлакатлари миқёсида шакллантириладиган инновацион индексда муносиб ўрин олиш билан ҳам белгиланади, десак хато бўлмайди.

Фикримизча, мамлакатларнинг инновацион ривожланиши кўп жиҳатдан инсон капитали билан боғлиқ бўлиб, мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларида ўз аксини топади. Жумладан, экспорт маҳсулотларининг таркиби, саноат маҳсулотларининг рақобатбардошлиги каби омиллар муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг савдо балансига эътибор қаратсак экспорт ва импорт миқдори мос равишда 5,4 млрд ва 8,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилди. Бунинг натижасида савдо балансининг салбий фарқи 2,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этди (Марказий банк, 2018). Мазкур ҳолатнинг шаклланиши шароитида мамлакатимиздан четга валюта оқимининг кучайиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Мазкур ҳолат миллий маҳсулотлар экспорти ҳажмини ошириш орқали ижобий фарққа эришиш заруриятини келтириб чиқаради. Бунинг учун албатта, илмий сиғимкорликка асосланган рақобатбардошликни таъминлаб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни талаб этади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21 сентябрдаги “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини

тадқиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли фармонининг қабул қилиниши мавжуд муаммоларнинг бартараф этишга қаратилди. Мазкур фармонда бир қатор муҳим йўналишлар белгилаб берилди. Булар сирасига иновацияларни молиялаштириш механизми ва ҳажмини оптималлаштириш, инсон капиталини ривожлантириш кабилар шулар жумласидандир.

Фикримизча, 2021 йилга қадар тадқиқотларни давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,8 фоизга етказиш белгиланган. Ҳозирги кунда ушбу кўрсаткичнинг 0,3 фоиз эканлигини инобатга олсак, унинг 0,5 фоиз пунктга оширилишига кейинги икки йил давомида эришилиши соҳада кескин молиявий ўзгаришлар бўлишига ишора бўлмоқда.

Иновацион индексда етакчи мамлакатлар қаторида бўлган давлатларда 1,5-2 фоиз, баъзида 3-3,5 фоиз атрофида эканлигини кузатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, бу соҳада нафақат бюджет маблағларига таяниш, балки бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишда хусусий бизнес вакиллари манфаатдорлигини ошириш ўзининг самарасини беради, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар таҳлили

Иновацияларга турли ёндашувлар мавжуд. Хусусан, В.Раттен, Ф.Кристина, И.Фернандес(2017) глобал бизнес рақобатининг юзага келиши шароитида бозордаги рақобат устунлигини таъминлашда иновацияларнинг ўрни муҳимлиги қайд этиб ўтилади. Иновацияларни бошқаришга бўлган манфаатдорликнинг ошиши юзага келган бўлса-да, унинг моҳияти, тарихий ривожланиш ва истиқболдаги тадқиқот йўналишлари юзасидан ягона ёндашув мавжуд эмас, деб фикрларни илгари сурадилар.

С.Филипов, Г.Мои (2010)ларнинг илмий хулосаларига кўра, тадқиқотлар иновацияларнинг вужудга келишининг бир компоненти бўлиб, иновациялар ривожланган иқтисодиётларда юқори технологиялар тармоғида эмас, балки ривожланаётган иқтисодиётларнинг кичик технологияли тармоқларида ҳам юзага келади, деган фикрларни илгари суради.

А.Мантовани (2013) ва бошқалар иштирокидаги тадқиқотларга кўра, иновацияларни вужудга келиши ва уларни бошқариш юзасидан олимларни гуруҳларга ажратган ҳолда илмий хулосаларни шакллантирган.

Масалан, Сербия Республикасининг 2020 йилгача иновацион ривожланиши бўйича Жаҳон банки ва Европа Комиссияси ҳамкорлигида тайёрланган ривожлантириш стратегиясида илмий тадқиқотларни қуйидаги тартибда амалга оширилишини кўзда тутганлар:

- фундаментал тадқиқотларни мустаҳкамлаш;
- мақсадли фундаментал тадқиқотларга кириш;
- техник ва технологик тадқиқотларни ривожлантириш;
- илмий тадқиқотлар натижаларини жорий этиш тизимини ривожлантириш;
- илмий тадқиқотларни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш;
- тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фондиди ташкил этиш;

- илмий тадқиқотлар учун инфратузилмани ривожлантириш;
- фан ва инновацияларни рағбатлантириш.

Дастлаб инновацияларнинг пайдо бўлишига нисбатан назариялар XX асрнинг бошларига бориб тақалади. Бу борада, француз социологи Габриэл Тарде томонидан инновацияларга нисбатан 1903 йилда ўзининг имитация тўғрисидаги асарида илк фикрларни олиб киради. Жумладан, унга кўра инновацияларни қабул қилиш бўйича қарор қуйидаги бешта босқичда амалга ошишини қайд этиб ўтади (Тарде, 1903):

- дастлабки билимлар;
- муносабатни шакллантириш;
- қабул қилиш ёки рад этиш бўйича қарор;
- жорий этиш ва фойдаланиш;
- қарорнинг тасдиқланиши.

Юқорида келтирилган категорияларга эътибор берсак, инновацияларнинг юзага келиши билимлар ҳамда уни амалиётга қўллаш билан бевосита боғлиқ эканлиги марказий ўринни эгаллаганлигини кўриш мумкин. Бизнингча, янги ғояларни инновациялар сифатида қабул қилиш учун инновациянинг ўлчов мезонини аниқлаш ва уни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Бу албатта инновацияларни ҳаётга татбиқ этиш учун иқтисодий баҳолашга шарт-шароит яратади. Г.Тарде томонидан инновациялар бўйича қарорларни қабул қилишнинг учинчи босқичида айнан ушбу масалани назарда тутган бўлса-да, ушбу ҳолатни қандай амалга ошириш мумкинлиги тўғрисида фикрларни баён этмаган. Шу нуқтаи назардан, инновация мезонларини ишлаб чиқиш долзарблик касб этади.

Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳудуд ва тармоқларнинг инновацион фаолият даражасини аниқлаб берувчи сўровномалар миллий статистика ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Ушбу баҳолашни амалга ошириш учун Осло Мануал (Oslo Manual) методикасидан фойдаланилади. Ушбу усулдан ЕИ ҳам ИХРТ (OECD) ташкилотлари томонидан инновацияларни баҳолаш учун фойдаланилади.

“Инновация” категорияси Й.Шумпетер (studme.org) томонидан иқтисодий ривожланиш назарияси номли асарида 1930 йилларда фанга олиб кирилган бўлиб, инновация – бу тадбиркорлик ташаббуси натижасида ишлаб чиқариш омилларининг янги тарзда комбинацияси эканлигини қайд этиб ўтади. Инновацион фаолиятга асосланган ўзгаришлар асосида иқтисодий ўсиш ва ривожланишни фарқли жиҳатларга эга эканлигини таъкидлаб ўтади. Жумладан, иқтисодий ўсиш – маълум давр мобайнида ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг кўпайиши ўзаро уйғунликда юз беришини қайд этади. Иқтисодий ривожланишни эса, маълум бир инновация асосида иқтисодий ўзгаришнинг юзага келиши билан изоҳлаб беради. Шунингдек, инновациялар орқали ишлаб чиқарувчилар самарали рақобат устунлигига эга бўлиши мумкинлигини алоҳида қайд этиб ўтади.

Шу нуқтаи назардан, Й.Шумпетер инновация натижасида иқтисодий ривожланишнинг қуйидаги бешта намунавий ўзгаришни келтириб ўтади:

- янги техникадан фойдаланиш, янги технологик жараёнлар, бозор ишлаб чиқаришини таъминлашнинг янги услуби (сотиш-сотиб олиш);
- янги хусусиятли товарларни жорий қилиш;
- янги хом ашёдан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва моддий-техник таъминотининг ўзгариши;
- янги бозорларнинг пайдо бўлиши.

Фикримизча, инновацияларга иқтисодий ривожланишга ўзининг сезиларли ҳиссасини кўшиш билан бирга, биринчидан, инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг асл нусхалари яратувчида қолиб, истеъмолчига унинг нусхаси сотилади. Иккинчидан, чекланган ресурслар шароитида чекланмаган инсон салоҳияти ресурсидан фойдаланиш имкони шарт-шароит яратилади. Натижада, инновацион фаолиятнинг рентабеллик даражаси сезиларли даражада ортиб, илмий сиғимкорлик ошиб борган сари таннархнинг камайиб бориш тенденцияси юзага келишига имконият яратилади.

Умуман олганда, инновациялар деган савол ўртага қўйилганида кўп сонли мутахассислар уни янгилик билан бир хил эканлигини қайд этишади. Бизнингча эса, инновациялар билан янгилик ўртасида сезиларли даражада фарқлар мавжуд. Жумладан, инновация деган мақомга эга бўлиши учун, аввало, янги ғоя қуйидаги талабларнинг кўп қисмига жавоб бериши шарт, деб ҳисоблаймиз:

- вақтни тежалиши;
- харажатларни камайтириши (ресурсларни тежаши);
- экологик ҳолатга салбий таъсир этмаслиги.

Албатта, ҳозирги замонавий шароитларда ҳар бир жараёнда инновацияларни татбиқ этиш ҳаётини зарур омилга айланиб бормоқда. Шундай бўлса-да, ҳар қандай янги ўзгаришни биз инновация деб атаётимизми? Йўқ, албатта. Сабаби, юқорида таъкидланганидек, инновацияларга биз икки талаб асосида мақом бериш зарур. Ушбу фикримизни биз қуйидаги мисол билан янада аниқроқ айтишимиз мумкин.

Масалан, футболка ишлаб чиқарувчи корхона кўк рангда мазкур товарни ишлаб чиқаради. Вақт ўтиши билан ушбу рангдаги футболкалар истеъмолчиларнинг талабларига тўғри келмаслиги сабабли, яшил рангда чиқариб бозордаги ўз ўрнини сақлаб қолади. Ваҳоланки, бу ўринда ишлаб чиқарувчи учун харажатлар ёки вақт қисқариши кузатилмайди. Сабаби, товарни фақатгина ранг харажатлари ўзгариши мумкин ёки ўзгармайди. Бу эса, истеъмолчилар ўртасида янгилик сифатида қабул қилиниб, янги товарни сотиб олишда давом этадилар.

Шу ўринда, ушбу мисолни давом эттирсак, юқорида келтирилган товарнинг ташқи томонини яшил, ички томонини кўк рангга бўяган ҳолда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши бу, албатта, ишлаб чиқариш харажатларини ва унга сарфланадиган вақт қисқаришига олиб келади. Ўз навбатида эса, бир инновацион футболкани ишлаб чиқариш харажатлари одатдаги футболка ва маълум рангга бўяш учун кетадиган харажатлар йиғиндиси билан ўз аксини

топади. Вақт нуқтаи назаридан ҳам шундай тамойил бўйича вақт камайишига эришилади. Бу бир жиҳатдан бўлса, иккинчидан истеъмолчиларнинг ҳам бир товарни сотиб олиш харажатлари даражасида маблағларни тежалишига шарт-шароит яратилади.

Бизнингча, инновацияларни ҳаётга татбиқ этишда юқорида қайд этилган талабларни эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Таҳлил ва натижалар

2017 йилда эълон қилинган Халқаро инновацион индекснинг умумий рейтингида Ўзбекистон қайд этилмаган бўлмаса-да, субкўрсаткичлардан бирида кўрсатиб ўтилган. Жумладан, олий таълимда қишлоқ хўжалиги йўналишида таълим олувчи талабаларнинг улуши бўйича дастлабки бешта иқтисодиётнинг иккинчиси сифатида қайд этиб ўтилди. Умуман олганда, 2017 йилда мазкур индекс озиқ-овқат хавфсизлиги нуқтаиназаридан ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги тадқиқотларга қилинган харажатларга эътибор қаратсак энг кўп маблағ сарфлаш бўйича Ҳиндистон 3,857, Корея Республикасида 1,521, Хитой 1,149, Нидерландия 1,145 ва Австралия 0,842 минг. АҚШ доллари миқдорида маблағларни йўналтирмоқда. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг яратган умумий молиявий қийматига нисбатан молиялаштириш улуши Сингапурда 150 фоизни, Нидерландия 10 фоизни ва Дания 6 фоизни сарф этмоқда (ГП, 2017).


Фикримизча, мамлакатда ўсиб бораётган аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашда янгича ёндашувни талаб этмоқда. Хусусан, бу борада етакчи мамлакатлар соҳадаги тадқиқотларни молиявий қўллаб-қувватлашда сезиларли чораларни амалга оширишмоқда. Масалан, Нидерландия давлати аҳоли жон бошига тўғри келувчи харажатлар ҳажми бошқа мамлакатларга нисбатан анча юқори эканлигини қайд этиш мумкин. Шу билан бирга, мазкур мамлакатда қишлоқ хўжалиги ялпи иқтисодий қийматининг 0,1 қисми сарф этилиши Нидерландиянинг қишлоқ хўжалигида инновацион устунлигини яна бир бор тасдиқлаб беради.

2018 йилда эълон қилинган халқаро инновацион индекс эса, мамлакатда қайта тикланувчи энергия тизимининг яратилиши нуқтаи назаридан ишлаб чиқилди. Мазкур ҳисоботда Ўзбекистон умуман қайд этиб ўтилмаган. Зотан 2017 йилда субкўрсаткичда бор эди. Ушбу 2018 йилги ҳисоботда қуйидаги муҳим ҳолатлар алоҳида қайд этиб ўтилган:

- саноат ва экспорт таркиби диверсификацияланган юқори даромадли мамлакатлар инновация яратилишида етакчи эканлиги;
- инновацияларнинг юзага келишида инвестициялар муҳим эканлиги;
- инсон капитали даражаси ва тадқиқотлар самараси.

Умуман олганда, 2017-2018 йилларда эълон қилинган инновациялар бўйича ҳисоботда инсон капитали муҳим омил сифатида таъкидлаб ўтилади. Хусусан, инсон капитали нуқтаи назардан БМТ томонидан эълон қилинган инсон тараққиёти индекси бўйича олдинги қаторда бўлган мамлакатлар инновацион индексда ҳам етакчи эканлиги кўзга ташланади.

2018 йилда чоп этилган ҳисоботда Хитойнинг тажрибаси алоҳида қайд этиб ўтилган. Сабаби, ўрта даромадли давлат сифатида юқори даромадли дастлабки 30 мамлакатлар қаторида 10 ўринда қайд этилди. Бу, албатта, жаҳон миқёсида етакчи ислоҳотлар натижасида юзага келган натижа сифатида қайд этиш лозим.



1-расм. ЯИМ ўсиши, фоизда

2-расм. Тадқиқотларга жами харажатлар ўсиши

3-расм. Тадқиқотларга хусусий харажатлар ўсиши

Манба: Global innovation index 2018 Energizing the World with Innovation.

Таъкидлаш лозим, халқаро миқёсда иқтисодий ўсиш 2008-2010 йилларда пасайганлигини кузатиш мумкин. Бу, албатта, иқтисодий инқирознинг юз бериши билан боғлиқ ҳолда юзага келган деб ҳисоблаш мумкин. Шундай бўлса-да, тадқиқотларга йўналтирилган маблағларнинг тенденцияси билан бир хил тарзда параллел ривожланганлигини таъкидлаш лозим. Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан тадқиқотларнинг қўллаб-қувватланиши билан уйғунликда юз бериши маълум бўлмоқда. Шу билан бирга тадқиқотларга харажатларда хусусий бизнес субъектларининг йўналтираётган маблағларининг ўсиши катта бўлганлиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз (1-3-расмларга қаранг).

Таъкидлаш лозимки, инновацияларнинг юзага келишида тадқиқотларнинг ўрни юқори эканлиги тадқиқотларни молиялаштиришнинг заруриятини келтириб чиқарса, юзага келган ғоялар асосидаги инновацияларни молиялаштиришда қандай омилларни инобатга олиш зарур деган савол туғилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инновацияларни яратилишидан тортиб, уни молиялаштириш жараёнларига бўлган кластер муҳитини яратиш стратегик долзарб масала ҳисобланади. Шу боисдан, қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим, деб ўйлаймиз:

- инновацияларни янгиликлардан ажратиш турувчи мезонларнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини ишлаб чиқиш;
- инновацияларни молиялаштиришда вақт, ресурс тежамкорлигини инобатга олиш.

Натижада, куйидаги тенденциялар юзага келади:

- илмий сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотлар яратилишига шароит юзага келади;
- илмий сиғимкорлик мавжуд/катта бўлган товар (иш, хизмат)ларда рақобатбардошлик даражаси юқори бўлади ва натижада яширин монополияга эришилади;
- илмий сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишида таннархнинг камайиб боришига эришилади;
- Инсон интеллектдан чекланмаган тарзда фойдаланиш шароитида “чекланган ресурслар билан чекланмаган эҳтиёжларни қондириш” масаласи ўзининг ижобий ечимини топади;
- Илмий сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотлар яратилиши орқали савдо балансида ижобий қолдиқ юзага келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси, халқаро инвестицион позицияси ва ташқи қарзи 2018 I ярим йиллик. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2018.
2. Vanessa Ratten, João J. Ferreira, Cristina I. Fernandes Innovation management – current trends and future directions// International Journal Innovation and learning, Vol. 22, no. 2, 2017. pp. 135-155
3. Sergey Filippov, Herman Mooi Innovation project management: a research agenda//Journal on Innovation and Sustainability. November 2010
4. Adalberto Mantovani M. de Azevedo¹, Marcela de Oliveira Mazzoni, Marco Antonio Silveira Academic Research In Technology Innovation Management and Related Thematic Areas in Brazil. Journal of Technology Management and Innovation, 2013. Volume 8. Special issue ALTEC.
5. RESEARCH FOR INNOVATION Strategy on Scientific and Technological Development of the Republic of Serbia for the period 2016 – 2020. Belgrade, 2016.
6. Tarde, G. (1903). The laws of imitation (E. Clews Parsons, Trans.). New York: H. Holt & Co.
7. https://studme.org/44986/investirovanie/osnovnye_polozheniya_teorii_innovatsiy_shumpetera
8. The Global Innovation Index 2017 Innovation Feeding the World. TENTH EDITION. – p. 76.